



## ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕЛМИНТОЗ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

**Миртозаев Ислон Рўзимурот ўғли**

Самарқанд давлат тиббиёт университети  
Гигиена кафедраси магистри

**Карабаев Азамат Худойбердиевич**

Самарқанд давлат тиббиёт университети  
Гигиена кафедраси магистри

**Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли**

Алфраганус университети талабаси

**Файзибоев Пирмамат Нормаматович**

Илмий раҳбар, Самарқанд давлат  
тиббиёт университети, Гигиена  
кафедраси мудири т.ф.д. доцент

**Аннотация:** Гельминты или глисты – представители семейства паразитических червей, обычно обитающих в организме человека и нарушающих его нормальное функционирование (гельминтозы).

В настоящее время известно около 400 видов гельминтов, из них 12 видов гельминты встречаются у детей.

Более 270 гельминтозов являются очевидной причиной различных заболеваний, наблюдаемых у человека.

**Калит сузлар:** характерли касалликлар, гельминтозлар, ЖССТ, Африка, Осиё ва Лотин Америкаси

**Abstract:** Helminths or worms are representatives of the family of parasitic worms that usually live in the human body and disrupt its normal functioning (helminthiasis).

Currently, about 400 species of helminths are known, of which 12 species of helminths are found in children.

More than 270 helminthiasis are the apparent cause of various diseases observed in humans.

**Key words:** helminths, 12 species, found in children, 400 species.

**Мавзунинг долзарблиги:** Инсон учун характерли касалликлар орасида гельминтозлар етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. ЖССТ берган маълумотларга кўра Африка, Осиё ва Лотин Америкаси Давлатлари ахолисининг 90% дан ортиғи гельминтозлар билан касалланиш хавфи остида яшайдилар. Ҳозирги кунда болалар орасида ко‘п учрайдиган касалликлардан бири бу – гельминтоз касаллигидир.

Жаҳон банки баҳосига кўра эса, ичак гельминтозлари келтирадиган иқтисодий зарар диарея, сил ва юрак қон томир касалликларидан сўнг 4-



ўринда туради. Паразитар касалликлар деярли ҳамма мамлакатларда учрайди. Планетамизнинг аҳолиси учдан бир қисми паразитар касалликлари кўзғатувчилари билан зарарланган.

Гелминтлар ёки гижжалар - паразит чувалчанглар оиласининг вакиллари бўлиб, одатда инсон организмда яшайди ва унинг нормал ишлашини бузади (гелминтоз). Ҳозирги вақтда гелминтларнинг 400 га яқин турлари маълум бўлиб, шулардан 12 хили болаларда учрайди. 270 дан ортиқ гелминтозлар одамларда кузатиладиган турли хилдаги касалликларнинг яққол сабабчиси бўлиб ҳисобланади.

Фаровон турмуш тарзи учун қишлоқ хўжалигини юқори технология асосида ривожлантириш, инсонларни касалликка чалинмаслигини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо, табиатда халқ-хўжалигига ва инсонлар саломатлигига катта зарар етказадиган паразит организмлар кўп тарқалган бўлиб, уларни ўрганиш ва қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг паразитар касалликлари Соғлиқни сақлаш тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда

**Мақсад:** Гелминтозларни келтириб чиқарувчи омиллар, ушбу омилларнинг касалланиш кўрсаткичига таъсирини ўрганиш, улар билан касалланишнинг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш, профилактик ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирларини самарасини ошириш орқали Ўзбекистонда гелминтоз касалликларнинг эпидемиологик таҳлили ва профилактикасини такомиллаштириш натижасида касалланишнинг камайтиришга имкониятлар яратиш.

**Тадқиқот натижалари:** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) ҳамда интернет материалларига қаралса, аҳолининг ўртача 3 тадан биттаси гелминтоз касаллиги билан касалланган бўлар экан. Энг тараққий этган Европа мамлакатларида аҳолининг 95% и гелминтоз касаллиги билан касалланган. Паразитар касалликлар инсонлар соғлигига жиддий зарар етказиб, айниқса болалар учун хавфли ҳисобланади.

ЖССТ берган маълумотларга кўра, жаҳон миқёсида гелминтозлар билан 1,5 миллиард киши касалланган (Кусур С.Ж. эт ал., 2004). Улардан 1269 млн. аскардоз, 932 млн. анкилостомидозлар, 637 млн. трихотсефалезлар, 353 млн. энтеробиозлар, 77 млн. тениаринхозлар, 39 млн. гименолепидозлар, 15 млн. дифиллоботриозлар, 10 млн. ришта билан касалланганларни ташкил этади.



Гелминтларнинг 400 га яқин турлари маълум бўлиб, шулардан 12 хили болаларда учраши қайд этилган. Мактабгача таълим муассасаларида олиб борилган 1 соатли кузатув давомида 106 та болалардан 98 таси зарарли одат тусига кирган бармоқларни шимишни гувоҳи бўлди. Мактаб ёшидаги болаларни дарс давомида кузатилганда бундай одат 1-4 синифгача бўлган болаларнинг 91%да кузатилди, 5-9 синифгача эса бу кўрсаткич 43%ни ташкил қилган.

Гелминтозлар салмоғида энтеробиозлар (91%) ва аскаридозлар (8%) етакчи ўринни эгаллайди. Энтеробиозларнинг 92,3%, аскаридозларнинг 71,1%, трихотсефалёзларнинг 61,5% ва токсокарозларнинг 66,2% болаларда учраши кузатилган.

Ўзбекистон шароитида гелминтозлар асосан Наманган, Фарғона, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларнинг тоғли ва тоғ олди туманларида қолган туманларга нисбатан кўп қайд қилинмоқда. Масалан 2011 йил Республика ДСЕНМдан олинган маълумотлар асосида: Наманган -556, Фарғона-435,5, Сирдарё-330,3 ва Сурхондарё-220,4 интенсив кўрсаткичларга эга бўлган.

Т.А.Абдиев ва бошқалар (2005) берган маълумотларга кўра, 2002 йилда гелминтозларга текширилган 6052341 аҳолидан 264711 (4,4%) нафарида натижалар ижобий бўлган. Республикада гелминтозлар билан касалланган беморлар салмоғида болалар 75,7% ни ташкил этади. Хусусан, гелминтозларга текширилган 14 ёшгача бўлган 4373450 беморлардан 200405 (4,6%) нафарида гелминтозларга хос касалликлар аниқланган.

Энди касалликнинг профилактикасига келадиган бўлсак, умумий ва шахсий гигиена меъёрлари асосий етакчи ўринни эгаллайди. Аҳолини санитар билимини янада ошириш, хонадонларни тозаллиги, чойшабларни доимий равишда ювиш ва алмаштириш, умумий фойдаланувчи ҳожатхоналарни дезинфекция воситалари билан зарарсизлантириб туриш ҳамда кемирувчиларни, пашшаларни, суваракларни йўқотишга қаратилган бўлади.

**Хулоса** қилиб шуни айтишимиз мумкинки, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар сифатини, самарадорлигини ошириш, касалланишни чуқур таҳлил этиш, юқорида келтирилган таҳлил натижаларидан келиб чиқиб муайян шарт-шароитга мосланган ва илмий асосланган режалаштириш тўғри йўлга қўйиш ҳисобига паразитар касалликларни олдини олишга замин яратиш мумкин.



## Foydananilgan materiallar:

1. Абдиев Т.А., Вахабов Т.А., Журавлева Н.А. и др. Прогноз изменения ситуации по эхинококкозу среди населения в Узбекистане // Медицинская паразитология и паразитарные болезни. - 2000. - №3. - С.53-54
2. Файзибоев П. Н. ИНСОН ОВҚАТЛАНИШИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 47-51.
3. Файзибоев П. Н. и др. АҲОЛИНИНГ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШИДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БИОЛОГИК ҚИЙМАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 215-220.
4. Файзибоев П. Н. и др. ОЗИҚ-ОВҚАТМАҲСУЛОТЛАРИДАН БАКТЕРИАЛ ЗАҲАРЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НАССР ХАЛҚАРО ТИЗИМИНИ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 226-229.
5. Файзибоев П. Н. и др. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 221-225.
6. Файзибоев П. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 230-233.
7. Файзибоев П. Н. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИДА “НОВВОТ” НИНГ ТУТГАН ЎРИН //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 3 [2]. – С. 167-170.
8. Файзибоев П. Н. и др. ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ИЗ НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНДИТЕРСКИХ ИЗДЕЛИЙ НАВВАТА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 149-153.
9. Файзибоев П. Н. ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ



- //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 290-295.
- 10.Файзибоев П. Н. и др. ЗНАЧЕНИЕ КОНДИТЕРСКОЙ ПРОДУКЦИИ В ПИТАНИИ ЧЕЛОВЕКА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 282-289.
- 11.Файзибоев П. Н., Ахорова М. Ш. TISH KARIESI BILAN KASALLANGAN VA SOG 'LOM BOLALARNING OVQATLANISHINI VAHOLASH //ЖУРНАЛ СТОМАТОЛОГИИ И КРАНИОФАЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2023. – Т. 4. – №. 1.
- 12.Normamatovich F. P., Abduganievich O. S. METHOD OF PREPARING NOVOT FROM NATIONAL CONFECTIONERY PRODUCTS IN UZBEKISTAN //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 160-164.
- 13.Normamatovich F. P. PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY" NOVOT" //Academia Science Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 04. – С. 794-798.
- 14.Даминова Н.М., Курбонов К.М. Ранние послеоперационные осложнения при эхинококкозе печени// Вестник хирургии имени И.И. Грекова. - 2008. - Т.167. - № 5. - С.68-70.
- 15.Мяндина Г.И., Тарасенко Е.В. Медицинская паразитология-Москва-2018.